

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**АБМК Олот туман**

**бошкармаси бошлиги**

**Ш.Б.Дурматов**



**ноябр 2022 йил**

## **БУЮРТМАЧИ:**

### **“АБМК Олот туман бошкармаси”**

АБМК Олот туман бошкармаси тасарруфидаги гидротехник иншоотларнинг затворларини таъмирлаш учун 1-По-1(Ф60x140x20Ф16) ТУ22.19.73-047-46028995-2018 турдаги Р шаклидаги чидамлилигини ошириш учун таркибига каттик мато киритилган резина сотиб олиш.

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Олот тумани**

**2022 йил**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрель кунидаги 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2022 йил 20 майда 276-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.**

1. Республика фаолият юритаётган товарлар етказиб берувчилар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 26000000 сум.

АБМК Олот туман бошқармаси тасарруфидаги гидротехник иншоотларнинг затворларини таъмирлаш учун 1-По-1(Ф60x140x20Ф16) ТУ22.19.73-047-46028995-2018 турдаги Р шаклидаги чидамлилигини ошириш учун таркибига каттик мато киритилган резина сотиб олиш.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “АБМК Олот туман бошқармаси” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 200200, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Олот тумани, Олот кучаси 172-уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “АБМК Олот туман бошқармаси” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.



3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.